

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 338+623:2

ИРМАТОВА ЛОЛА РАВШАНОВНА

ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ
МАМЛАКАТДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

70310102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:
доцент А.А.Ядгаров

Тошкент – 2023


Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.

41- сонли баённома « 28 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. А.Ядгаров


ИМЗО 15.05
сана


Магистр: Л.Ирматова


ИМЗО 15.05
сана

Диссертация иши Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 16 ” 05
№ 02 рақами билан рўйхатга олинган.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов 

“ 3 ” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “ 16 ” 05 соат 10⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Аннотация

Магистрлик диссертация ишида куйидаги асосий масалалар ҳал этилди: тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ҳолат таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда бевосита тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар негизида аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш давлатнинг муҳим устувор масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида илмий тадқиқотлар изчил амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқарилган маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни ривожлантириш асосида аҳоли даромадларини мутассил оширишдан иборат.

Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳоли даромадларини оширишга олиб келади.

Калит сўзлар: хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, камбағаллик, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ижтимоий фаровонлик.

Abstract

The following main issues were resolved in the master's thesis: reforms implemented to reduce poverty in the country by improving the business environment, theoretical and methodological foundations of the development of private business entities, production indicators of small businesses and private business entities by improving the business environment, poverty reduction in Uzbekistan the situation was analyzed.

One of the important priority issues of the state is to continuously improve the living standard of the population and ensure economic and social well-being on the basis of the reforms implemented to reduce poverty in Uzbekistan directly by improving the business environment. Scientific studies on the importance of private entrepreneurship in socio-economic development and stability are being carried out in our country.

In order to support private business entities by improving the business environment, the issues of modernization of production, expansion of cooperative relations, establishment of solid cooperation, stimulation of internal demand for the products of small businesses and private business entities of our country took a special place.

It consists in steadily increasing the income of the population based on the development of the reforms implemented in the country to reduce poverty by improving the business environment.

The practical application of the scientific proposal and practical recommendations developed in the course of research will lead to an increase in the income of the population based on the development of private entrepreneurship by improving the business environment.

Key words: private entrepreneurship, small business, poverty, modernization of production, social welfare.

МУНДАРИЖА

I БОБ.	КИРИШ.....	8
1.1.	Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	8
1.2.	Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	10
1.3.	Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	10
1.4.	Тадқиқот объекти ва предмети.....	11
1.5.	Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти....	11
1.6.	Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
II БОБ.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	13
2.1.	Адабий манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	13
2.2.	Тадқиқот гипотезаси.....	18
III БОБ.	ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	27
3.1.	Маълумотлар манбалари.....	27
3.2.	Тадқиқот дизайни.....	27
3.3.	Тадқиқотда қўлланилган услублар.....	28
3.4.	Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	28
3.5.	Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими..	36
3.6.	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	37
IV БОБ.	ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР.....	38
4.1.	Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти.....	38
4.2.	Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўрсаткичлари таҳлили.....	46
4.3.	Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳоли даромадларини ошириш йўллари.....	53
4.4.	Камбағалликни қисқартириш мақсадида аҳоли умумий даромадлари ва унда хусусий тадбиркорлик даромадини ошириш имкониятлари.....	60
V БОБ.	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	69
5.1.	Тадқиқотнинг асосий илмий - амалий янгиллиги ва натижалари....	69
5.2.	Тадқиқот натижасида келтирилган асосий тавсия ва таклифлар....	70
5.3.	Келгуси тадқиқотчилар учун таклифлар.....	71
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	72

I БОБ. КИРИШ

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 21 декабрдаги Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида "... қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислохотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик мухитини тобора яхшилаш бўйича ислохотларни жадаллаштирамиз. Биринчи навбатда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади" дея таъкидлаб ўтган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги Фармонида берилган "29-мақсад: Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш" га қаратилган талабларидан келиб чиқиб, 2026 йил бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкласини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш. Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш. Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш².

Тадбиркорлик мухитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар негизида аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, иқтисодий ва ижтимоий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси// <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги Фармони.
<https://lex.uz/ru/docs/5841063>.